

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат ва жамият қурилиши академияси

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК330.111.64 (575.1)

ВАХАБОВ АЛИШЕР ВАСИКОВИЧ

**БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ
БОСҚИЧИДАГИ КЎП УКЛАДЛИ ИҚТИСО-
ДИЁТ ВА УНИНГ ТАКРОРАН ҲОСИЛ БЎЛИШИ**

08.00.01 - “Иқтисодий назария” ихтинослиги

Иқтисод фанлари доктори илмий
даражасини олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2001

330.1(043.3)

В - 30 Диссертация Тошкент Молия институтининг
«Иқтисодий назария» кафедрасида бажарилган

Расмий оппонентлар: Иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдуганиев Абдувоҳид Абдуганиевич

Иқтисод фанлари доктори, профессор
Шодмонов Шерқул Шодмонович

Иқтисод фанлари доктори, профессор
Турсунхўжаев Марат Лутфуллаевич

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академиясининг иқтисод институти**

Диссертация ҳимояси 2001 йил «7 » июн соат 10⁰⁰ да

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва
жамият қурилиши академияси қошидаги иқтисод фанлари доктори
илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича
Д.005.10.02 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш мажлисида
ўтказилади.

Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 45.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2001 йил «4 » июн да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди, доцент



Абулқосимов Ҳ.П.

Тадқиқотнинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарбилиги. Мустақилликнинг 10 йиллиги мобайнида Ўзбекистон Республикаси бозор ислоҳотлари йўлидан бориб, кўп укладли иқтисодий тизимга асос солдики, у моҳиятан аниқ ижтимоий йўналишга эга бўлган бозор иқтисодиётидир. Бозор ислоҳотларининг ҳозирги босқичидаги иқтисодиётни эркинлаштириш вазифаси ҳам кўп укладли иқтисодиётнинг ривожини билдиради. Президент И.А.Каримов таъкидланганларидек, “...биз ўз олдимиизга кўйган мақсадни - хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак”¹.

Президент бу вазифани янада ойдинлаштириб “кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва унда хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш”² Ўзбекистон иқтисодиётининг яқин келажакдаги устувор йўналишидан бири бўлишини қайд этди.

Кўп укладли иқтисодиётнинг моҳияти, ички тузулмаси, юзага келиш йўллари ва ривожланиш йўналишини билиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон шароитида кўп укладли иқтисодиётта ўтишнинг миллий модели тадбиқ этилди, унинг аҳамиятга молик жиҳатлари кўп, буларни тадқиқ этиш иқтисодиёт назариясининг янада бойишига хизмат қиласи, хусусан бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясини яратишга наф келтиради.

Кўп укладли иқтисодиёт муоммосининг долзарблигидан келиб чиқсан ҳолда диссертациянинг мавзуси танланди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўп укладли иқтисодиёт муоммоси фоят кам ўрганилган, бу соҳада комплекс тадқиқотлар кейинги пайтларда деярли олиб борилмаган. Илгариги ортодоксал фоялар кўп укладлиликни тараққиёт манбай бўлишини инкор этувчи салбий фикрларни ташкил этган, булар ҳозирги давр талабларига мутлақо жавоб бермайди.

Кўп укладлиликнинг аралаш иқтисодиёт гоясига бевосита алоқаси бор, чунки у ҳам иқтисодий хилма-хилликни билдиради. Аралаш иқтисодиёт муоммолари эса таниқли Фарб олимлари Кейнс Ж., Полони К., Хайек Ф., Мизес Л., Кроуз Р., Самуэлсон П., Гелбрэйт Ж., Эрхардлар Л. томонидан ўрганилган.

МДҲ мамлакатларидағи ислоҳотлар муносабати билан кўп укладлилик таҳлилига қайтилди, лекин бу масала кўпроқ турли мулк

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”. Т. “Ўзбекистон”, 1999 й 32-бет.

² Каримов И.А. Халқимиз фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлаш – устувор вазифа. – “Халқ сузу”, 2001 й 12 январь.

шаклларини бошқариш жиҳатдан кўриб чиқилди. Бундай қарааш россиялик олимлар Абалкин Л., Мильнер Б., Бим А., Львов Д., Лексин В., Глазьев С. ва бошқаларга ҳам хосдир.

Ўзбекистонда кўп укладли иқтисодиёт таҳлили илк бор академик **И.Каримов асарларидан ўрин олди**¹.

И.Каримов ғоялари асосида бир қатор олимлар кўп укладлиликнинг бази бир жиҳатларини ёритдилар. Булар жумласига Шарифхўжаев М., Гуломов С., Абдуганиев А., Акрамов Э., Аллақулов Х., Эркаев Б., Ўлмасов А., Қосимов Р., Шодмонов Ш., Турсунхўжаев М., Мамарасулов Х., Бабаев Х., Камилова М., Сайдахмедов Р., Мустафоев Э. ва бошқалар киради.

Лекин кўп укладли иқтисодиёт тизими янгича тадқиқот методологиясига таянган ҳолда яхлит таҳлил этилмади, унинг моҳияти, ривожланиш тенденциялари, такроран ҳосил бўлиш қонуниятлари ўрганилмай келинди.

Диссертациянинг мақсади ва вазифалари. Диссертациянинг асосий мақсади тизимли таҳлил методологиясига таянган ҳолда кўп укладли иқтисодиёт тузилмасининг иқтисодий полиформизм сифатидаги моҳиятини очиб бериш, унинг Ўзбекистондаги ўтиш даврига хос хусусиятлари ва ижтимоий жиҳатлари ва ривожланиш йўналишларини асослаш ва мазкур тузулмани ривожлантиришга оид таклифлар ишлаб чиқишидан иборат.

Шу мақсадга эришиш ўйлида диссертацияда қўйидаги вазифалар қўйилди ва хал этилди:

- кўп укладли иқтисодиёт тизим сифатида илмий таснифланди;
- кўп укладли тизим билан иқтисодий полиформизмнинг ўзоро алоқадорлиги аниқланди;
- иқтисодий трансформация шароитида кўп укладлиликнинг шаклланиш қоидалари очиб берилди;
- ўтиш давридаги укладларни гуруҳлаштиришга оид илмий мезонларга таяниб, уларнинг тузилмавий таснифи асослаб берилди;
- укладларнинг ички тузилиши таҳлил этилиб, улар ҳар бирининг иқтисодиётдаги ўрни илмий баҳоланди;
- кўп укладли иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши ва уни таъминлашнинг механизми аниқланди;
- кўп укладли иқтисодиёт тизим ва даромадларнинг хилмачиллиги ўртасидаги алоқадорлик таҳлил этилди;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзиға хос йўли. Т., "Ўзбекистон", 1993; Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўйида. Т., "Ўзбекистон", 1995 й.; Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., "Ўзбекистон" 1999 й.; Ҳалқимиз фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлаш – устувор вазифа, "Ҳалқ сўзи", 2001 й. 12 январь сони

➢ миллий иқтисодиётда кўп укладлиликнинг такроран яратилишга таъсир кўрсатувчи омиллари аниқланди;

➢ иқтисодиётни эркинлаштиришнинг кўп укладли тизимни янгиланиб туришдаги аҳамияти очиб берилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кўп укладли тизим концепцияси танлаб олинди, бу концепциянинг турли жиҳатлари яхлитлиқда қараб чиқилди, улар иқтисодий полиформизм нуқтаи назаридан талқин этилди.

Тадқиқотнинг обьекти. Ўзбекистондаги ижтимоий-иктисодий тизимни ҳосил этувчи асосий укладлар обьект сифатида ўрганилди, уларни ташкил этувчи корхоналар фаолиятининг якунлари кўриб чиқилди.

Диссертация ишида тизимли тадқиқот методологиясига амал қилинди. Кўп укладли иқтисодиётта яхлит тарзда қаради, унинг тузилмасига хос турли унсурлар қисмларга ажратиб ўрганилди, тизимни ташкил этувчи ўзак бўғин ва унинг атрофида бирлашувчи компонентлар кўриб чиқилди. Кўп укладли тизимнинг иқтисодий мазмуни ва ижтимоий жиҳатлари уйғунликда ўрганилди.

Диссертацияда сифат жиҳатдан ва миқдорий таҳлил усуллари биргаликда қўлланилди. Назарий ёндашиб билан бир вақтда миқдорий, статистик ўлчам усулларидан ҳам фойдаланилди. Миқдорий кўрсатгичлар динамикада ва қиёсий таҳлитда кўриб чиқилди.

Тадқиқотнинг пазарий ва услубий асослари сифатида Президент И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни ўтказишига оид қонунлар, ҳукумат қарорлари, Президент фармонлари ва бошқа расмий ҳужжатлардан кенг фойдаланилди.

Диссертациянинг ахборот базаси бўлиб Макроиктисодиёт ва статистика, Молия, Мехнат ва Ижтимоий таъминот, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Давлат мулки қўмитаси, солиқ идоралари ва корхоналар маълумотлари ҳисобланади. Булардан ташқари халқаро молия ташкилотлари, чунончи, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа Тараққиёт ва Тикланиш банки маълумотлари ва ниҳоят матбуотда эълон қилинган статистика кўрсаткичларидан имкони борича фойдаланилди.

Диссертация ёзишда эришилган ва ҳимояга тақдим этилган илмий янгиликлар муаллиф Ўзбекистон шароитини ҳисобга олиб ишлаб чиқсан кўп укладли тизим концепциясида мужассамлашган бўлиб, улар кўйидагилардан иборат:

- полиформик тизимнинг иқтисодий ва ижтимоий турли туманлик ҳосил этувчи туб белгилари мавжудлиги, лекин статик ва

умумий моделга эга бўлмаслиги, у миллий шароитга кўра трансформацияланиш хусусиятга эга бўлиши асосланди, ҳозирги кўп укладли иқтисодиёт монотизимдан политизим томон ривожланишининг маҳсули сифатида баҳоланди;

- укладлар муайян иқтисодий тизимдаги хўжалик тури деб қаралиб, уларни баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида мулк шакллари, хўжалик юритиш усуллари ва даромадлар олинди, укладлар фақат биргалиқда тизим ҳосил этиши асосланди;

- иқтисодий трансформация шароитидаги кўп укладлиликнинг юзага келиш хусусиятлари аниқланди, “Ўзбек модели”да кўп укладли тузулманинг шаклланишидаги маҳсус жиҳат - бу мавжуд хўжалик турларини сақлаган ҳолда уларни янги укладларга секин-аста трансформациялашувини таъминлаш, хўжалик юритишнинг бозор усулларини миллий кўникмалар билан мувофиқлаштиришдан иборат эканлиги аниқланди;

- кўп укладли тузилма давлат, хусусий, жамоа ва аралаш укладлар яхлитлигидан иборат бўлиши, уларни ҳосил этувчи корхоналар бир хил мулкчиликка таянса-да, эркин ёки монопол бозорга ишлази, ижара муносабатларида иштироки, қайси меҳнатни қўллази, анъанавий хўжалик белгилари борлиги, рағбатлантириш усуллари билан фарқланиши очиб берилди;

- кўп укладли тузилманинг ижтимоий йўналиши унинг иммонент хусусияти сифатида объектив ва умумий тарзда бўлса-да, унинг амалга ошиши укладларга мансуб корхоналардаги хўжалик юритишнинг самарадорлигига боғлиқлиги белгиланди;

- кўп укладли тузилмада индивидуал даромадлар бозор даромадига айланиб, ўзининг кўп манбали бўлиши, даромад турлари нисбатининг ўзгарувчанлиги ва укладлар доирасида даромадларни фарқланиши билан ажralиб туриши асосланди;

- кўп укладлиликни такоран яратилиши перманент бўлгани ҳолда укладлар доирасидаги такорор ишлаб чиқариш уларнинг ресурс имкониятига ва бу ерда бозор механизмининг ишлази даражасига боғлиқлиги аниқланди;

- Ўзбекистонда кўп укладлиликни такоран яратилишига хусусий мулкни ҳали етакчи бўлмаслиги, монопол бозорнинг мавжудлиги, эркин бозор нархларининг чекланган бўлиши, нодавлат инвестицияларининг этишмаслиги халақит бериши асосланди. Уни қайтадан юзага келишининг асосий шарти иқтисодий эркинликни таъминлаш, субъектлар фаолиятини бозор механизми орқали тартибланиб туриши ва энг муҳими инвестиция жараёнини ўз-ўзини молиялаштириш асосига ўtkазилиши эканлиги аниқланди;

- кўп укладли тузилма барқарор иқтисодий полиформизм ҳосил этиши бир қатор умумиқтисодий чора тадбирлар талаб қилиниши, булар мулкчиликка, фискал, нарх ва инвестиция сиёсатига, хориж укладини ривожлантиришга оид бўлиши аниқланди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.

- ♦ Диссертациянинг илмий натижалари иқтисодиёт назариясига оид тадқиқот ишларида, хусусан ўтиш давридаги кўп укладли структура концепциясини яратишда, ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг «Ўзбек модели» фояларини ривожлантиришда ишлатилиши мумкин.

- ♦ Ўзбекистондаги кўп укладли тузилманинг хусусиятлари ва ривожланиши йўналишларига оид муаллифнинг фикр мулоҳазалари ва аналитик ҳисоб-китоблари иқтисодиёт назариясини магистратура ва аспирантурада ўқитишга наф келтиради.

- ♦ Муаллиф асослаган концепция кўп укладли тизим шароитига мос иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишига ёрдам беради, ишдаги умумиқтисодий тавсиялар иқтисодиётни бошқариш билан шуғулланувчи тегишли давлат идоралари фаолиятида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказилиши ва амалиётга жорий этилиши. Диссертациянинг асосий илмий фоялари ва хуносалари Умумжаҳон Банки Гурӯҳи ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган қўйидаги халқаро семинар ва илмий конференцияларда маъруза қўринишида муҳокама қилинган: 1) «Янги мустақил мамлакатларда ижтимоий сиёsat, дастурлар ва лойиҳалар» 22 январ-3 март, 1996 йил, Москва; 2) «Иқтисодий трансформация шароитида давлат секторининг фискал сиёсати» 1-5 май, 2000 йил, Вашингтон.

Диссертант эришган натижалар илмий маълумотлар сифатида илмий текшириш институтлари ва марказларига ҳамда Олий ўқув юртларига ўтиш даври иқтисодиёти муаммоларини тадқиқ этишда ва ўқув ишларида қўллаш учун юборилди. Тадқиқот натижалари Тошкент Молия институти, Тошкент Давлат Техника университети, Фарғона Давлат университети, Андижон Муҳандислик Иқтисодиёт институти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси илмий семинарларида муҳокама қилинди.

Диссертациянинг асосий мазмуни, унда асосланган назарий фикр-мулоҳазалар, қонун-қоидалар ва ишлаб чиқилган амалий тавсиялар 27 та илмий ишда (ҳажми 18,7 босма табоққа яқин) ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши унинг мақсад ва вазифаларига асосланган. Иш кириш, бешта боб, хулосалар, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида диссертация мавзуининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, методология ва услубиятлари, олинган илмий натижанинг янгилиги назарий ва амалий аҳамияти баён этилган.

Биринчи боб “Кўп укладли иқтисодиёт концепциялари” деб номланган бўлиб, унда кўп укладли иқтисодиётнинг ортодоксал ва замонавий талқини кўриб чиқилган, иқтисодий полиформизм ва кўп укладли тузилманинг ўзоро алоқадорлиги таҳлил этилган.

Иккинчи боб “Кўп укладли иқтисодиётнинг қарор топиши” бўлиб, ривожланган бозор иқтисодиёти ва иқтисодий трансформация шароитидаги кўп укладли тузилмани ҳосил бўлишидаги умумийлик ва миллийликни ўрганишга бағишлиланган.

Учинчи боб “Кўп укладли иқтисодиётнинг таркибий тузилиши”. Бунда трансформация босқичидаги ижтимоий-иқтисодий укладларнинг моҳияти, асосий белгилари, улар фаолиятининг асосий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Тўртинчи боб “Кўп укладли иқтисодиётнинг социал жиҳатлари”, бунда иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишининг объектив ва иммонент тавсифда бўлиши, кўп укладли шароитда даромадларни шаклланиш механизми, аҳолининг бандлиги, унинг даромадлари таркибидаги ўзгаришлар таҳлил этилган.

Бешинчи боб “Кўп укладли иқтисодиётни такроран ҳосил бўлиши” – бу бобда турли укладлардаги такрор ишлаб чиқариш ва унинг самарадорлиги кўриб чиқилган, кўп укладли иқтисодиётни тизим сифатида қайта юзага келишининг шарт-шароитлари таҳлил этилган.

Диссертациянинг якуний қисмида тадқиқотдан келиб чиқсан асосий илмий хулосалар ва амалий тавсиялар баён этилган.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни

Хозирги давр иқтисодий трансформация даври бўлиб, **биринчидан**, ривожланган бозор иқтисодиётини аралаш иқтисодиётга айланишини, **иккинчидан**, эса тоталитар маъмурий буйруқвозлиқ тузумдан кўп укладли бозор иқтисодиётига ўтилишини билдиради. Ҳар икки ҳолда ҳам иқтисодий монотизимдан полиформик тизимга ўтилади. Кўп укладлиликни полиформизмнинг бир жиҳати деб қараш лозим, аммо илгарилари масала бошқача талқин этилган. Ортодоксал

қарашларда синфий ёндашув асосида укладлар ҳукмрон бўлиб ултурмаган ишлаб чиқариш муносабатлари сифатида талқин этилган. Укладлар «ким кимни енгади» қабилидаги курашда бўлиши, кўп укладлилик барҳам топиши, унинг ўрнига социализмнинг танҳо ҳукмронлиги, ҳозирги тил билан айтганда монотизмнинг қарор топиши муқаррарлиги қайд этилган.

Назарий янгиланиш кўп укладлиликка бошқача нигоҳ билан қарашни билдиради. Аввало, укладларга янгича баҳо бериш зарур. Бизнингча уклад ижтимоий-иктисодий категория, бу моҳияттан мавжуд иктиносидий тизимга иммонент хос бўлган ҳўжалик типидир. Уни таҳлил этишнинг асосий ва ёрдамчи мезонлари мавжуд. Асосий мезонлар – бу мулк шакллари, ҳўжалик юритиш услублари, даромад манбалари ва турларидир.

Ёрдамчи мезонларни укладнинг ташкилий жиҳатини белгиловчи технология, ресурслар тавсифи, яратилган маҳсулот белгилари ва бошқариш хусусиятларидир. Бу мезонлар асосида трансформацияланувчи ҳозирги иктиносидий тузилмада 4та уклад – давлат, хусусий, жамоа, ва аралаш уклади мавжуд деб айтиш мумкин. Бу укладлар яхлитлика, мунтазам бозор алоқаларига киришган тақдирдагина тизим ҳосил эта оладилар.

Турли типдаги корхоналар укладларни, укладлар секторларни, секторлар эса кўп укладли миллий иктиносидётни ҳосил этадилар. Муаллиф нуқтаи назаридан кўп укладли тузилма таснифланганда унинг икки жиҳатига урғу бериш талаб қилинади. **Биринчиси**, иктиносидий хилма-хиллик бўлса, **иккинчиси**, турли социал мақомдаги ходимларнинг ижтимоий тотувлик ҳолатида бўлишидир.

Ҳозирги кўпукладлиликни иктиносидий хилма-хилликнинг ривожланиш шакли сифатида баҳолаш тўғри бўлади. Шу муносабат билан ишда полиформик иктиносидий тузилмаларнинг туб белгилари асосланган бўлиб, булар келиб чиқиши турлича мулк ва ҳўжаликларнинг мавжудлиги, иктиносидётни бозор воситасида ва давлат томонидан тартибланишини биргаликда бориши, ижтимоий-касбий табақаланишининг устуворлиги, иктиносидёт ижтимоий мўлжалининг кучли бўлиши, иктиносидётдаги циклик тебранишларни юмшатиш имкониятларининг борлиги ва ниҳоят тараққаётнинг ҳаммабоп, ягона эталонли моделининг бўлмаслиги деб қаралди.

Ҳозирги полиформизм ривожланган бозор тизими шароитида аралаш иктиносидёт шаклини олганки, бу ҳам табиатан кўп укладлиликни билдиради.

Кўп укладлиликнинг ўзи факатгина аралаш иктиносидёт учун эмас, балки иктиносидий тараққиётнинг янада мураккаб ва мукаммал шакллари учун ҳам асос бўлади. Буни қўйидагича тасвирлаш мумкин (1-чизма).



Хозирги иқтисодий тузилмалар каби мураккаб тизимлар ҳақидағи бор билимларни үзгартымас схематик категориялар тарзидә тасаввур қилиш нотұғри бўлади. Бундай вазиятни англаган ҳолда ҳозирги хилма-хиллик ҳамма ерда күп уқладлилік асосида юзага чиқади, бозор қоидалари асосида ривожланади, деб айтиш мумкин. Уқладларнинг тизимли биргалиқда, ёнма-ён мавжуд бўлиши полиформизм қиёфасини белгилайди, аммо полиформизмнинг баркамоллик даражаси турлича, чунки уқладларнинг үзига хос параметрлари мавжуд.

Бизнинг назаримизда полиформик тизимлар ривожининг ягона якуни шуки, зиддиятлар турли секторлар ва аҳоли гурухлари ҳамкорлиги ёрдамида ҳал этилади иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилишини кучайтириш орқали умумий ижтимоий тотувликка эришиш инкониятлари яратилади, бинобарин, ҳукмронлик учун кураш фояси инкор этилади.

Мазмун жиҳатдан турлича бўлган уқладлар үзаро қарама-қарши турмайдилар, чунки миллый иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун жами уқладларнинг тизимли ҳамкорлиги талаб қилинади ва бунга бозор орқали эришилади.

Үзаро рақобатда бўлган турли мулкчилик ва хўжалик шаклларининг юзага келиши ва улар самарадорлитини таъминлаш зарурати бор бўлганидан уларнинг биронтаси ҳам бошқалари билан үзоро алоқада бўлмай туриб ривожлана олмайди. Рақобатлашувчи турларнинг үзвий бир бутунлиги уларнинг давлат зўровонлиги билан яратиладиган тартибсиз конгломератидан фарқ қиласи, чунки бу манфаатларнинг уйғунлигига асосланади.

Хозирги хилма-хиллик шаклланиб бўлган ва шаклланаётган күп уқладли тузилмадан иборат. Бозор иқтисоди ривожининг классик йўлидан борилганда, күп уқладлилік индивидуал хусусий мулк замирида шаклланади. Мазкур мулк эволюцияси натижасида бошқа мулк шакллари пайдо бўлади турли уқладлар юзага келади ва политузилма ҳосил бўлади. Аммо күп уқладлилік давлат мулкини хусусийлаштириш асосида ривож топади, чунки бу күп уқладли тузилма субъектларининг миқдорини кўпайтиради.

Давлат сектори кўп укладли иқтисодиётнинг узвий қисми бўлиб қолгани сабабли, хусусийлаштириш иқтисодий ривожланишнинг пермонент жараёнига айланади, чунки давлат сектори гоҳ кенгайиб, гоҳ қисқариб туради.

Кўп укладлилик дунёнинг ҳамма тоифадаги мамлакатларига хос бўлса-да, унинг миллий хусусиятлари ҳам мавжуд. Кам ривожланган мамлакатларда давлат сектори миллий мустақиллик таянчи бўлганидан, уни хусусийлаштиришга эҳтиёткорлик билан ёндашилади. Бу ерда “юмшоқ” хусусийлаштириш юз берганида бўлганда давлат корхоналари акционерлик жамиятларига айлантирилади, улар сақланган тақдирда ҳам ишлаш услуби жиҳатидан хусусий корхоналар ҳолатига ўтказилиди, аммо уларни монополияга айланишига йўл берилмайди. Кескин хусусийлаштириш чоғида мулк собиқ эгасига қайтариб берилади, давлат корхоналари сотилиб, хусусий мулкка айланади, корхона акциялари шу ерда ишловчилар орасида тарқатилади. Самарадорликни кўтариш мақсадида давлат корхоналарини хусусийлаштириш уларни бозор шароитига мослаштиради.

Моҳият эътибори билан давлат тузилмаларининг самарали фаолият кўрсатиши – бу ҳозирги замонавий кўп укладли хўжалик тизимиға ўтишнинг ҳамма ердаги энг муҳим шарт-шароитидир.

Социализмдан холос бўлган маконда айrim укладлар социализмдан меросга қолган хўжаликни тубдан қайта ўзгартириш асосида барпо этилса, бошқалари иқтисодий фаолият эркинлиги берилиши ва муайян даражадаги давлат ёрдами ҳисобига ривожланади.

Бу ерда кўп укладлилик уч йўл билан шаклланади. **Биринчиси**, мулкни хусусийлаштириш, иқтисодий муносабатларни давлат тасарруфидан чиқариш. **Иккинчиси**, майда хўжаликни ривожлантиришни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-куvvatлаш. **Учинчиси**, илгари мавжуд бўлган хуфия иқтисодиётни ошкоралаштириш, мавжуд майда бозор хўжалигини ривожлантириш.

Шуларни назарда тутиб, ишда социализмдан холос бўлган макондаги кўп укладлиликни шаклланиш жараёни кўриб чиқилди ва шу нарса асосландики, бу ерда янги муносабатлар ва тузилмаларни барпо этиш билан бир қаторда собиқ социализмда мавжуд бўлган бозор унсурларини сақлаб қолиш ва такомиллаштириш юз беради.

Бизнинг назаримизда, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг асосий қисми ва хуфия иқтисодиётнинг айrim турлари сақланиб қолган бозор “оролчалари” эди. Шўролар давридаги иқтисодиёт фанининг буларни бозор муносабатларининг сақланиб қолиши манбаи қилиб кўрсатгани бежиз эмас, албатта.

Шахсий хўжаликда жамланган белгилар уни бозор тузилмаси билан генетик умумийлиги борлигидан ва шу сабабли у тездан янги муносабатларга киришиши учун асос бўлади.

Кўп укладлиликнинг қарор топишида хуфия иқтисодиётга хос айрим белгиларнинг ўрни тўғрисидаги масала мураккаблиги билан ажralиб туради, шу сабабли бунга эҳтиёткорлик билан ёндашмоқ зарур.

Назаримизда хуфия иқтисодиётнинг норасмий, яъни иккиламчи иқтисодиёт номини олган қисмида тадбиркорлик анъаналари мавжуд бўлганидан уни ошкоралаштириш бозор муносабатларига киришиб кетишини таъминлайди.

Ўтиш давридаги кўп укладлилик умумий асосларга эга бўлса-да, миллий хусусиятлари билан ажralиб туради.

“Ўзбек модели” аввал бошданоқ кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш заруратидан келиб чиқди ва бунинг асосий воситаси сифатида хусусийлаштириш танлаб олинди.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнларининг умумий ва ўзига хос, алоҳида томонларини икки даражада кўриш маъқул:

Биринчидан, хусусийлаштириш илгариги ялпи давлатлаштиришдан кўп укладлиликка ўтишдаги маҳсус йўл бўлиб, уни, масалан, хусусий мулкнинг босқичма-босқич табиий ривожланиши орқали юз берган Farb йўлидан фарқ қилишини таъкидлаш зарур, **иккинчидан**, кўп укладлиликнинг ўзини юзага чиқарадиган хусусийлаштиришнинг миллий хусусиятларини эътироф этиш керак.

Бу тарзда, яъни икки даражали ёндашувлар кўп укладлиликни хусусийлаштириш орқали шакллантириш муаммоларини илмий ўрганишда ҳали қўлланилмаган.

Ўзбекистон белул хусусийлаштириш (чек, бон, купон, ваучер ва бошқалар воситасида)дан воз кечди, чунки бундай усуслар мулқдан кейинчалик самарали фойдаланишини таъминлай олмайди. Айни пайтда хусусийлаштирилган корхоналарни давлат томонидан зарурӣ қўллаб-куватлаш, шу жумладан хусусийлаштиришдан келадиган маблағларни янги секторларга юбориш назарда тутилди.

Хусусийлаштириш учун унинг пуллик ва босқичма-босқичлиги асосий мезон бўлди, чунки давлат мулки текинга тақсимланганда адолатни амалга ошириш мумкин эмас ва, энг муҳими - маблағ йўқлигидан хусусийлаштирилган корхоналарни давлат даражасида қўллаб-куватлашни амалга ошириб бўлмайди.

Хусусийлаштириш янги мулқчиликни шакллантириш билан чекланмай, уни ривожлантириш учун - молиявий ресурслар ҳам яратди. Бу эса кўп укладли тузулманинг асосий шартига айланди.

Хозирги назарияда хусусийлаштириш деганда давлат мулки ҳисобидан барча нодавлат мулки шаклларини ҳосил этиш тушунилади. Шу жиҳатдан олганда хусусийлаштириши индустрисал соҳалар ва хизмат соҳаси билан чекламасдан, уни аграр иқтисод доирасида ҳам кўриб чиқиш керак. Бизнингча Ўзбекистондаги хусусийлаштириш колхоз-кооператив мулки ҳисобидан ҳам юз берганлигини эътироф этиш мумкин.

Шу сектор иҳтиёридаги ернинг бир қисми томорқани қўллаб-куватлашга юборилиб, бу бозор тенденцияларини қучайтирди, унинг замирида тадбиркорликнинг алоҳида бир тури, табиатан майда товар ишлаб чиқариш бўлган деҳқон хўжалиги пайдо бўлди. Бу энг кўп сонли ва юқори товар хўжалиги бўлиб, хусусий укладни қувватлайди.

Ўзбекистондаги фермерлаштириш ҳам аслида иқтисодиётни хусусийлаштиришнинг бир кўринишидир, чунки фермер хўжалиги бозор хўжалигининг синалган шакли ҳисобланади.

Аграр соҳада кўп укладлиликнинг шаклланиши ўзбекистонда маълум жиҳаидан трансформация тавсифига эта бўлди. Бунда совхозларнинг жамоа хўжаликларига, уларнинг эса ширкатларга айланиниши юз берди. Ширкат хўжаликларининг юзага келиши илтариги колхоз-кооператив мулкининг ўрнига янги пайчилик мулкини шаклланиши, жамоа меҳнати ўрнига оиласи мөхнат турларини ўрнатди.

Пайчилик мулкини реализация қилиш воситаси бўлган оиласи гудрат деҳқонлар орасидаги миллий ишлаб чиқариш кўнинмаларининг кучли бўлишини, хусусан ерни ҳосилбай ижарага олиб, оила аъзолари меҳнати билан ишлов бериш ривожланиб келганини ҳисобга олди. Бу усул манфаат ва маъсулиятни бевосита мөхнат қилувчиларга юклаб, ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Рағбат икки ёқлама хусусиятта эга. **Биринчидан**, гудратчилар ишлаб тоғанини мөхнат ҳаки сифатида олсалар, **иккингчидан**, умумий ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссалари учун пай пули-мукофотта эга бўладилар.

Кўп укладлиликнинг юзага келиши хусусийлаштириш билан чекланимай, укладларни янгидан ҳосил этиш тарзида ҳам кечади. Бунда маъжуд мулк қайтадан тақсимланмайди, балки мулк обьекти унинг эгаси томонидан янгидан яратилади. Бунда пулдорлар тадбиркорликка қўл уриб, мулк ҳосил этадилар. Ўзбекистонда МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб хусусий мулк ва тадбиркорликка қонун йўли билан ружсат берилиши бекиз эмас, албаттга.

Мулки давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш нақадар муҳим бўймасин, кўп укладлиликни яратиш ва ривожлантириш жараёнини якунламайди, чунки бу ўз-ўзидан янги иқтисодий механизмни яратмайди.

Кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши мулкчилик шаклининг алмашининиши билангина чегараланиб қолмайди, чунки кўп укладлиликнинг

шаклланиши рақобат мұхитини яратиши, нархларни әркинлаштириш, монополияларни тартыбға солиши ва ниҳоят, давлат томонидан табдиркорлыкни құллаб-қувватлашни билдиради.

Бозор ислоҳотлари күп укладли тузилмага асос солади, янги укладлар эса иқтисодиётнинг нодавлат секторини юзага келтириади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётидаги давлат ва нодавлат секторларнинг ҳиссаси (% ҳисобида)

Курсалғанчалар	Давлат сектори										Нодавлат сектори							
	1993*	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2000	
Ялни ички маҳсулот	618	470	330	311	365	355	344	29,8	382	530	67,0	689	635	645	656	70,2		
Иқтисодиётда банд бўлганлар сони	57,7	59,7	66,1	33,9	28,7	25,8	27,0	24,0	423	403	33,9	66,1	71,3	74,2	73,0	76,0		
Корхоналар сони	306	287	21,7	15,6	13,4	112	104	123	694	713	783	844	86,6	888	896	87,7		

* 1993-1996 йиллардаги миллий даромад бўйича

Ишда кўп укладлиликнинг мураккаб тузилма эканини инобатта олиб, унинг таркибини ўрганишга катта эътибор берилди. Кўп укладли иқтисод шунинг учун ҳам тизимни ташкил этади, у ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо этувчи ва оқибат натижада яхлитликни шакллантирувчи турли унсурлар бирлашувини билдиради. Кўп укладли тизим турли укладлардан иборат экан, улардан ҳар бирининг ўз ҳомили, субъекти бўлиб, турли ижтимоий мақомдаги кишиларни билдиради, буларнинг ўз манфаати бор, манфаатлар эса тоҳ алоҳидалашиб, тоҳ мувофиқлашиб туради ва бу ҳол бозор иқтисодиёти учун табиий ҳисобланади.

Диссертацияда мезоний ёндашувдан келиб чиқсан ҳолда ҳозирги Узбекистон иқтисодиётидаги давлат, хусусий, жамоа ва аралаш укладлар мавжудлигига асосланилди, ҳар бир уклад алоҳида таҳлил этилди.

Давлат сектори ҳам кўп укладли тузилмага киради, бу ерда якка давлат мулкчилиги мавжуд бўлса-да, бу мулкнинг тасарруфи ҳар хил хўжалик юритиш шароитида боради. Бир ерда давлат мулки әркин рақобат мұхитини ҳосил этса, бошқа ерда у монопол тузилмани юзага келтириади.

Давлат уклади бу давлатга тегишли товар ва хизматлар яратувчи корхоналар мажмуудан иборат бўлиб, давлат секторига киради. Мазкур уклад давлатнинг мулк эгаси бўлишини ва табдиркорлик фаолияти билан шуғулланишини, унинг корхоналари миллий маҳсулот яратувчи сифатида майдонга чиқишини билдиради.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига кучли давлат иштироки ва раҳбарлигига ўтилиши туфайли бу ерда давлат укладини дастлаб

мустаҳкамлаш, сўнгра бошқа укладларга эркинлик бериш йўли кўзда тутилди. Бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистон тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, давлат укладининг иқтисоддаги мавқеини икки нарса белгилар экан, **биринчиси**, анъанавий омил, яъни илгари давлат хўжалиги нақадар ривожланган бўлиши, **иккинчиси**, мамлакат танлаган ривожланиш моделлида давлатнинг иқтисодий функцияларига қандай ётибор берилиши.

Давлат уклади кўп тармоқли эмас, ўзининг ички тузилиши билан бошқа укладлардан кам фарқланади, лекин уни давлат секторига тенг нарса деб бўлмайди.

Давлат сектори деганда давлатнинг умуммиллий сиёсий институт сифатидаги манфаатлари мужассам этилган соҳаларни тушуниш тўғри бўлади. Давлат сектори унинг тадбиркорлик фаолиятидан ташқари давлатни миллий маҳсулотни тақсимлаш ва истеъмол этишдаги иштироқини ҳам қамраб олади.

Тадқиқот кўрсатишича давлат истеъмолининг ҳажми иқтисодий салоҳиётта боғлиқ бўлса-да, фақат у билан изоҳланмайди, балки мустақил давлат қурилиши қай даражада бўлиши, давлатнинг ижтимоий сиёсати, мамлакат ривожининг ички ва ташқи шароитига ҳам боғлиқ бўлади.

Шу сабабли иқтисоди учнали кучли бўлмаган мамлакатларда давлат истеъмолининг яратилган маҳсулот ва хизматдаги ҳиссаси катта. Натижада мамлакатларнинг дунё иқтисодидаги туттаган ўрнига нисбатан шу ердаги давлат истеъмоли анча юқори бўлиши мумкин.

Дунё миқёсида Ўзбекистон ҳам давлат истеъмоли ҳиссасининг катталиги билан ажralиб туради. “Ўзбек модели”нинг, “давлат бош ислоҳотчи”, “кучли ижтимоий сиёсат” деган томойиллари борки, булар ЯИМнинг талай қисмини давлат секторида тўпланиб, шу ерда тақсимланиб, сўнгра истеъмол этилишини билдиради.

Кўп укладли тизимда хусусий уклад етакчи бўлиши зарур. Шу сабабли ишда унинг таҳлилига катта ўрин ажратилиди.

Хусусий уклад хусусий мулкка таяниши аксиомадир. Бунинг учун ресурсларни ҳам, яратган товарларни ҳам хусусий мулк бўлиши энг маъқул шароит, аммо у ресурсларнинг бир қисми ўзга мулки бўлгани шароитда ҳам ривож топиши мумкин. Шу боис хусусий уклад таърифланганда фақат мулкий мақом эмас, балки хўжалик юритиш усулини ҳам инобатга олиш талаб қилинади.

Хусусий укладнинг давлат укладидан энг муҳим фарқи, **биринчидан**, мулкни танҳо эмас, балки турли-туман бўлиши, **иккинчидан**, бозор механизмининг тўлароқ амал қилишидадир.

Мулк бир ерда шахсий истеъмолга қаратилса, бошқа ерда у тадбиркорликка хизмат қиласи. Кичик хўжаликда у индивидуал ёки

оилавий меҳнатга таянса, йирик хўжаликда ёлланма меҳнатга, яна бошқа ерда у меҳнатнинг ҳар иккала турига асосланади.

Кўп укладли тизимда турли-туманликни энг аввал хусусий уклад яратади, шу сабабли уни ички тузилишига катта эътибор бериш зарур. Чунки шу йўлдан бора туриб уни назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш мумкин. Ҳозирги тадқиқотларда ва амалий статистикада эса давлат ва нодавлат сектори қаралади, аммо уклад деган категория умуман ишлатилмайди. Бу билан тадқиқот чеклаб қўйилади.

Ўзбекистонда хусусий уклад ўрта ва кичик фирмалар ва корхоналардан, фермер ва деҳқон хўжалигидан ва ниҳоят томорқа хўжалиги ва индивидуал меҳнат фаолиятидан ташкил топган. Мазкур хўжалик турларининг умумийлиги хусусий мулкнинг мавжудлиги, хўжалик фаолиятининг либераллиги (эркинлиги), эркин бозор учун ишлаш бўлса, уларнинг фарқлари ишлаб чиқариш миқёси ва технологиянинг ҳар хиллиги, натурал истеъмолнинг бўлиши ёки бўлмаслиги, давлат буюртмасига ишлаш миқёси, нархларнинг эркинлик даражаси ва ниҳоят ўз меҳнати ва ўзга меҳнатидан фойдаланишдан иборатdir.

Ўрта ва кичик корхоналар хусусий укладнинг базавий пойдеворини ташкил этади, улар индивидуал хусусий мулкка асосланган товар ишлаб чиқарувчилардан иборат.

Улар кўпчилик иштирокидаги атомистик структурани шакллантиради, эркин бозорда доимо бир-бири билан рақобатда туради. Ўрта ва кичик бизнес кўп укладли тизимда алоҳида ўрин тутар экан, давлат унинг ривожини ҳар хил йўллар билан рағбатлантириши талаб қилинади, чунки шу йўл билан иқтисодиётда хусусий мулкнинг етакчилитини таъминлаш мумкин.

Хусусий уклад таркибида майда товар хўжалиги алоҳида мақомга эга. Замонавий концепцияларга таянган ҳолда товар хўжалигини туркумлашда ишлаб чиқариш кўлами, аниқроги бозорга таклиф этилган товарлар хажми, уларнинг пул-қиймат миқдорини асос қилиб олиш, ёки ишловчилар сонига қараб уларни гурухлаштириш тўғри бўлади. Майда товар хўжалиги таркибига, кичик корхоналар, деҳқон хўжалиги, кичик фермер хўжаликларини ва якка тартибда ишловчиларни киритиш мумкин. Албатта улар фарқланади. Кичик фермер хўжалигига озчилик ишлагани ҳолда банд бўлганлар оила аъзолари ёки оиласинг яқин қариндошлидан иборатdir. Бундан фарқли ўлароқ кичик фирмаларда ишловчилар орасида қон-қариндошлик муносабати кам учрайди. Майда товар хўжалиги илгарилари алоҳида уклад деб баҳоланган бўлса,

эндиликда уни хусусий укладнинг бир тури кўриниши деб қараш тўғри бўлади. Бу фоят кўпчиликни ташкил этувчи хўжалик туридир.

Майда ишлаб чиқаришдаги тарқоқлик иқтисоддаги ноаниқликни, бинобарин стихияликни юзага келтиради. Эркин бозор механизми тартибсизликка йўл беради, майда хўжаликни бекарорликка йўлиқтиради, лекин у бунга қарши тура олишдек хислатта ҳам эга.

Майда ишлаб чиқаришдаги бекарорликни ташки омил, эркин бозор юзага келтиrsa, унинг иқтисодий табиатига хос ички омил уни барқарор қиласди.

Кичик тадбиркорлик ривожига миллий ўзига хослик (менталитет) ҳам ҳисса қўшади. Ўзбекистонда тарихан майдад оиласвий ишлаб чиқариш кенг тарқалган ва кўникума ҳосил этган. Бу кўникума ҳозирги авлодга ҳам ўтган. Шу сабабли ҳозирги Ўзбекистонда хусусий уклад энг кўп ривожланган соҳа савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш бўлса, бу ерда банд бўлганларнинг кўпчилиги майда ишлаб чиқарувчилардир.

Майда товар хўжалиги ҳақида гап кетгандан уни табиий равишда табақалашувини кўрсатиш зарур. Бу жараённинг икки жиҳати мавжуд **Биринчидан**, табақалашув хўжалик субъектларининг ҳолати жиҳатидан, **иккинчидан** эса, у эришган иқтисодий натижалар жиҳатидан бўлади.

Хусусий уклад йирик фермер-хўжаликлари ҳисобидан ҳам ўсиб боради. Бу хўжаликлар ёлланма меҳнатни қўллайди, ҳам эркин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорига, ҳам давлатнинг монопсония бозорига ишлайди. Эркин бозор унинг фаолиятини рафбатлантиrsa, давлат бозори иқтисодий стимулларни заифлаштиради. Шу боис фермер хўжалиги зиддиятли омиллар таъсирида бўлади.

Хусусий уклад таҳлил этилганда унинг доирасидаги субъектлар бошвоқсиз бўлишини, улар алоҳидалашган ва ўз дардини ўзи кечувчи бўлганидан бозор тасодифатларига дуч келишини айтиб ўтиш ўринлиdir. Уларни бир-бири билан боғловчи бозор моҳиятан ёввойи, тартибсиз бозорга яқин туради. Сигнал тартибсиз бозордан юбориладиган инфомация бўлиб, у тоҳо симметрик (мутаносиб), тоҳо ассиметрик (бузилган) бўлади. Шубҳасиз ассиметрик инфомация иқтисодий рисқ (таваккал)ни оширади, чунки хусусий укладда индивидуал мулкчилик устувор бўлганидан рисқни диверсификацияси юз бермайди.

Аммо ноаниқликни, демак рисқни маълум даражада чегаралаш мумкин. Бунинг воситаси фақат суғурта эмас, балки эркин бозор маркетинг хизматини йўлга қўйиши орқали бозор инфомациясига кўпроқ симметриклик баҳш этишидирики, натижада хусусий уклад

корхоналари бозорга күпроқ мослашади. Афсуски, бундай хизмат мамлакатда ҳали ривожланмаган.

Жамоа уклади ўзининг келиб-чиқиши ва ички тузилиши жиҳатидан иқтисоднинг маҳсус типи сифатида кўп укладли тузилмада катта ўрин тутади.

Жамоа укладининг ҳосил этилиши ва ривожланиши иқтисодий трансформация босқичидаги мамлакатларда икки йўл билан кечади **Биринчидан**, мерос қолган колхоз-кооператив мулки асосида шаклланади, **иккинчидан**, қисман бўлса-да, янгидан яратилади.

Жамоа хўжалигини ширкатлаштиришни “**Ўзбек модели**”га хос усул, унинг феномени дейиш мумкин. Жамоа мулкини сақлаб қолган ҳолда ички тузилишида ўзгариш қилиш кўп укладлиликни ҳосил этишдаги ўзига хос ёндашув бўлиб, унинг ўхшаши йўқ. Ширкатлаштириш жамоа хўжалигини янгилаб, уни бозор талабига мослаштириш деса бўлади.

Ишда ўтиш босқичидаги жамоа уклади таркибан икки блокли укладдир деган хуносага келинди. Биринчи блокни одатдаги жамоа хўжаликлари ташкил этади, улар мулк ва маҳсулотларни жамоа доирасида ва биргаликда ўзлаштирилишини билдиради. Иккинчи блок ширкатларга айлантирилган хўжаликлардан иборатдир, уларнинг энг жиддий белгиси пайчиллик мулкининг мавжудлигидир. Пайчиллик мулки “**Ўзбек модель**”нинг муҳим хусусиятларидан биридир. У ширкатларга янги хусусият баҳш этади. Ширкатларда икки хил мулк музассамлашган. **Биринчиси** пай мулки, унинг ҳиссаси катта. Бу мулк бизнингча табиатан корпоратив хусусий мулкка яқин туради, лекин унинг эгаси мулкий улушини ширкат доирасида ўзгартириши мумкин. Аммо у корпоратив хусусий мулкдан фарқли ўлароқ эркин бозор муюмиласида бўлмайди, чунки пай акция сингари фонд бозорига эркин чиқа олмайди.

Иккинчи мулк – бу жамоанинг биргаликдаги умумий мулки бўлиб, хўжаликнинг бўлинмас фондларидан иборат. Мазкур мулк кишиларни жамоага бирлаштирувчи иқтисодий асосдир.

Жамоа уклади ҳам эркин, ҳам монопсония бозори билан боғланган унинг хўжаликлари ўз маҳсулотини эркин бозорда сотганда нарх паритетига мослашадилар. Маҳсулот буюртма нархлар билан монопсония бозорида давлатга сотилганида баланслашмаган инфляцияга ҳос ҳодисалар юз беради. Шу боис жамоа хўжалигининг инфляция шароитига мослашуви (адаптациялашуви) қийин кечади ва бу ердаги нарх паритети хўжалик зараги томон ўзгарганда хўжалик оғир молиявий аҳволга дуч келади.

Жамоа уклади таҳлил этилганда ширкат хўжаликларининг алоҳида табиати билан биргаликда уларнинг бўлфуси трансформацияси ҳақида ҳам сўз юритиш ўринилдири.

Ширкатлар жамоа хўжалигидан ўсиб чиқсан, табиатан демократик хўжалик туридир. Уларнинг бош белгиси пайчилик бўлсада, пай мулки жиддий табакалашган.

Пай акциядан фарқли ўлароқ сотиб олинган мулк эмас, у жамоа мулкининг бепул тақсимланиши натижасидир. Аммо унинг миқдори, пай эгасининг илгари нақадар самарали ишланганлигига боғлиқ. Шу жиҳатдан унинг тақсимланиши адолат қоидаларига мос келади деб айтиш мумкин.

Жамоа корхоналарини ширкатга айланиши орқали уларни келажакда ҳалқ корхоналарига трансформацияси юз беради. Бундай корхоналар эса XXI аср иқтисоди қиёфасини белгилashi керак. Маълумки ҳалқ корхонасининг асосий белгиси шу ерда ишловчиларнинг корхона эгасига айланишидир. Пайчилик деҳқонларни ширкат соҳибларига айлантиради, лекин улар ҳақиқий мулкдорларга айланиши учун пайларнинг қадр-қиммати ошиши, бинобарин, ширкатларни самарадор хўжаликка айланиши талаб қилинади. Ҳозирчалик пайларга берилган дивидендлар роят оз, чунки бозор механизмининг тўла куч билан ишламаслиги жамоа хўжалигини зарар кўрувчи хўжаликка айлантиради. Шу важдан жамоа укладининг истиқболи иқтисодий муносабатларни эркинлашуви ва биринчи навбатда эркин бозор нархларига ўтиш билан боғлидир.

Укладлар таснифида мулкчилик шаклига асосланилганда, шунга қўра кўп укладли тизимда аралаш уклад ҳам мавжуд деб айтиш мумкин. Таҳлил шуни кўрсатадики, мазкур уклад икки тоифали бўлиб, **биринчиси**, давлат улуши бор ҳиссадорлик корхоналари бўлса, **иккинчиси**, қўшма корхоналардир. Мазкур икки гурӯҳга мансуб корхоналарда мулк интеграциялашади, яъни турли шаклларга оид мулк субъектлари ўз ресурсларини бирлаштириш асосида умумий капитал ҳосил этади ва хўжалик фаолияти шунга таянади. Аралаш уклад давлат мулки ва хусусий мулк, шунингдек миллый ва хорижий мулки қоришмасидан ҳосил бўлади.

Шу укладга киравчи акционер жамиятларда мулкчилик корпоратив тавсифда, лекин унинг бир томонида давлат ҳиссадорлиги ётса, иккинчи томонида индивидуал мулкдорларнинг ҳиссадорлиги ётади. Шуни ҳисобга олиб акционер корхоналарнинг кўпчилигини аралаш уклад вакиллари, деб айтиш мумкин.

Ўтиш давридаги хусусий мулк бизнингча икки тоифалидир.: **биринчиси** – индивидуал хусусий мулк бўлиб, у якка тарзда, айrim соҳиблар ихтиёрида жамланади. **Иккинчиси** – корпоратив хусусий

мулк бўлиб, у ҳиссадорлик хусусиятига эга. Мазкур мулк хусусий бўлса-да, алоҳида индивидуаллашмаган.

Корпоратив хусусий мулк тарихан индивидуал мулк замирида пайдо бўлган. Аммо бозор иқтисодига ўтишнинг ҳозирги моделларида ҳиссадорлик мулкни давлат тасарруфидан чиқариш маҳсули саналади. Бу ерда мақсад янги капитални яратиш эмас, балки бор капиталнинг мулк шаклини ўзгартириш, уни диффузиялаш, яъни кўпчилик ўртасида янгидан тақсимлашdir.

Ҳиссадорликда танҳо мулқдорнинг ҳукмронлиги бўлмаса-да, кўпчиликни ташкил этувчи ҳиссадорларнинг биргаликдаги мулкий ҳокимияти қарор топади. Бу албатта акционер корхоналарда бозор механизмининг панд бермай ишлаб туришига боғлидир. Бу шарт-шароит этишмаган тақдирда акционер корхоналарда иш натижаси паст бўлади, буни Ўзбекистонда ҳам кузатиш мумкин. Шу муносабат билан ишда акционер корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлил этилиб, самарадорлик ғоят пастлигидан бир қатор жамиятлар зарар кўриши аниқланди.

Таҳлил кўрсатишича, акционер корхоналар якуний кўрсатгичлари пасайишининг сабаблари турлича бўлган:

- уларнинг кўпчилиги ўзининг, илгариги бозорини йўқотган ва янги бозорга мослашиб улгурмаган;
- солиқлар ва ресурслар нархи ошган шароитда эскирган технология харажатларни пасайтириш имконини бермаган;
- асосий фондларнинг жисмоний тўзиши оқибатида улар ишлаб чиқариш қувватларининг бир қисмини йўқотган.

Миллий акционер жамиятлардан фарқли ўлароқ қўшма корхоналар шаклидаги аралаш укладнинг устунлиги бор, албатта. Бу ерда замонавий хориж технологияси жорий этилганидан ва малакали иш кучи мавжудлигидан меҳнат унумдорлиги бошқа ердагидан анча юқори.

Хорижийлар иштирокидаги аралаш укладнинг Ўзбекистон миллий иқтисодиётидаги мавқеини унинг капиталдаги ёки ялпи маҳсулотдаги ҳиссаси билан белгилаш бир ёқлама бўлади, чунки у макроиқтисодий вазиятга инвестиция юкини енгиллаштириш билан таъсир этади. Агар хориж капитали қўшма корхоналарга етказилса, аралаш уклад ҳосил бўлади, агар у хорижликларнинг ўзига қарашли корхоналарни ҳосил этса, бу иқтисоддаги ажнабий укладни юзага келтиради. Ўзбекистонда ажнабий уклад ривож топмаган, ваҳоланки, бевосита инвестициялар асосида бу укладни ривожлантириш миллий иқтисод келажаги учун катта аҳамиятга эга эканлигини жаҳон тажрибаси ҳам тасдиқлайди.

Бевосита хориж инвестициялари миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалигининг бир қисмига айлантириб, унинг жадал ривожланишини таъминлайди, лекин миллий тадбиркорликни чеклаб қўяди, бу билан унинг салбий таъсири изоҳланади.

Иқтисодий ўсишни хориж кредити ҳам таъминлайди, лекин у инвестиция юкини қарз юки билан алмаштиради. Бевосита чет эл инвестицияси иқтисодда хориж мулкининг ўсишига олиб келади, чет эл кредити эса миллий мулк ўсишига қаратилади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ёппасига эркинлаштириш босқичида чет эл укладининг ривожланиши кўп укладли иқтисодий тизимни бойитади, аммо давлат назорати заифлашган шароитда миллий манфаатларга путур етказиши мумкинлигини ёддан чиқариб бўлмайди, албатта.

Кўп укладли бозор иқтисодиётида ижтимоий мўлжални юзага чиқариш воситалари иммонент тавсифга эга. Шу сабабли иқтисодиёт ижтимоий йўналишини фақат давлат белгилайди, деб қараш нотўғри бўлади. Унда бозор механизми фаол қатнашади. Бозор иқтисоди учун ҳам эҳтиёж бирламчи, лекин у бозордаги жами талаб шаклига киради ва буни қондириш иқтисодий ўсиш чегараларини белгилайди.

Тадбиркорларни фойда олишдан иборат мақсадини юзага чиқариш чекланган ресурслар шароитида талабни қондириш учун орzon ва сифатли товарларни кўплаб яратишни тақозо қиласди. Натижада фойданни оширишдек индивидуал мотив бозор орқали талаб-эҳтиёжни қондиришдек ижтимоий мотив билан уйғунлашади.

Бозор иқтисодиётининг ижтимоий моҳиятини унинг қонунлари белгилайди, шу сабабли талаб, таклиф ва қўшилган нафлийликнинг пасайиб бориш қонунларининг аҳамияти ишда кўрсатиб ўтилди.

Тадқиқот натижасида бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини унинг ички иқтисодий қонунлари белгилаб беради, давлат эса шу йўналишни кучайтириши шарҳлаб ўтилди.

Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилиши инсонга лойик турмуш фаровонлигини беришни билдиради, аммо иқтисоднинг бу мўлжалга эришиш имкони миллий иқтисодиёт салоҳиётига бевосита боғлик бўлади.

Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши шундай тартибики, унинг асосида ҳар бир субъект ўз манфаатини юзага чиқара олади, ўз ишига лойик ижтимоий мавқега эга бўла олади, аммо ижтимоий рисқдан ҳеч ким ҳоли бўлмайди. Рисклардан бири эса камбағаллик рискидир.

Бу рискнинг хусусиятига қараб ижтимоий ёрдам уюштирилиши зарур бўлади ва бунда давлат фаол иштирок этади.

Иқтисодиётнинг ижтимоий мўлжални ўзига хос кичик бир тизим бўлиб, унда бош мақсад, уни амалга ошириш механизmlари, унинг

асосий объектлари, турли даражалари ва шакллари мужассамлашади. Шу жиҳатдан олганимизда иқтисодий фаолиятнинг ижтимоий йўналиши интеграл тавсифга эга ва кўп укладли иқтисодиётнинг барча бўғинларини қамраб олади. Бу йўналиш бозор қонун-қоидалари юзага келишига кўра кучайиб боришга мойил бўлади.

«Ўзбек модели»га кўра бозор муносабатлари эволюцион тарзда шаклланганидан бозор механизми тўла кучга кирмаган шароитда ижтимоий йўналишда давлат механизмига устиворлик берилади.

Давлат бош ижтимоий мутассади вазифасини ҳам ўтайди, бу эса унинг қўлида ижтимоий ривожланишга қаратилган катта молиявий ресурсларнинг жамланишини билдиради, аммо ислоҳотлар чуқурлашган сари ижтимоий мажбуриятлар юки давлатдан секин-аста хўжалик юритувчи субъектларга ўтиши керак. Буни иқтисодиётни эркинлаштириш стратегияси талаб қиласи, чунки эркин тизимда корпоратив ижтимоий мажбурият кучли бўлади.

Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишининг ҳомили даромаддир, унда ҳар бир субъектнинг иқтисодий манфаати мужассамлашади, чунки ҳар бир субъект учун ўз фаолияти келтирган нафнинг ўлчами қўлга теккан даромад ҳисобланади.

Жамият даромадини яратишда ҳамма укладлар иштирок этади, аммо улар субъекти персонификациялашган бўлади, яъни иқтисоднинг аниқ иштирокчиларида гавдаланади. Бу субъектлардан бири тадбиркор бўлса, бошқаси мулк эгаси, яна бошқаси ёлланиб ишловчи шахс бўлади. Улар табиий равища, ҳар хил даромад топишади, лекин мулқдор сифатида ўз манфаатини юзага чиқарадилар.

Бозор тизимида гарчи ҳукмрон бўлмаса-да, нобозор муносабатлар ҳам бўлади-ки, булар умуминсоний меҳр-шафқат муносабатидан иборат, булар ижтимоий ёрдам шаклида меҳнат эквиваленти бўлмаган даромадни юзага келтиради.

Даромадларнинг моҳияти ва шаклидан қатъни назар уларни ҳосил этишда, **биринчидан**, бозор механизми қатнашса, бу ҳамма укладларга хос; **иккинчидан**, тақсимлашнинг давлат ва ижтимоий ташкилотлар механизми иштирок этади.

Кўп укладли шароитда даромадларнинг шундай шакллари ҳам мавжудки, булар тор доирада, яъни хонадон миқёсида тақсимлаш маҳсули бўлади. У ҳам бўлса томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликларидағи натурал-моддий шаклдаги даромад, у табиатан бозор даромади эмас, чунки пул-қиймат шаклини четлаб ўтиб, ишлаб чиқаришдан тўппа-тўғри истеъмолга тушибди.

Кўп укладли иқтисодиёт шароитидаги тақсимот муносабатлари кўп қиррали ва турли механизмлар ёрдамида амалга ошиб турли даромадларни вужудга келтириши ишда маҳсус таҳлил этилди.

Кўп укладли тизимда даромад топиш шарти банд бўлиш, лекин бандликнинг эркин ёлланиб ишлаш, тадбиркорлик қилиш, воситачи бўлиш, якка меҳнат фаолияти билан, хонаки – оиласвий ишлаб чиқариш билан шуғулланиш каби, ўз-ўзини банд қилиш юзага келиб, улар барча соҳалар доирасида кечади. Айни бир вақтнинг ўзида бандликнинг бир неча тури бир-бири билан чирмашиб кетади. Иқтисоддаги ранг-баранг бандлик хилмалихил даромад шаклларини юзага келтиради.

Таҳлиллар кўрсатишича, бандликни таъминлашда янгидан пайдо бўлган укладларнинг аҳамияти ортиб бориши кузатилади, чунки меҳнат ресурсларини укладлараро тақсимланиши юз беради.

Аммо укладларнинг банд этиш салоҳиёти кескин фарқланади. Бу турли укладларда мансуб корхоналар маҳсулоти ва хизматларига бозор талабининг хажми, уларнинг ресурслар билан таъминланиши, бандликнинг капитал сифими, ниҳоят янги қувватларни ишга киритилишига боғлиқдир. Турли уклад корхоналарида яратилган иш ўринларининг қиммати турлича, шу тифайли бандликнинг капитал сифими ҳам фарқланади. Энг қиммат иш ўринлари давлат ва аралаш укладда бўлса, энг арzon иш ўринлари хусусий укладда, айниқса оиласвий хўжаликларда яратилади.

Кўп укладли тизимда бандликни таъминлашга инвестиция ресурсларини укладлараро тақсимланиши таъсир этади. Бу, янги қувватларни ҳосил этишда укладларнинг ҳиссасини белгилайди (2-жадвал).

2-жадвал

Ишга туширилган асосий фондларнинг укладлар бўйича тақсимланиши (1999 й.)¹

Укладлар	Ишга туширилган ишлаб чиқариш фонdlари		Ишга туширилган ишлаб чиқариш фонdlари	
	млн. сум	жамига % жисобида	млн. сум	жамига % жисобида
1. Давлат	69738,5	53,4	83213,3	51,30
2. Хусусий	2503,7	1,9	68008,4	41,9
3. Жамоа	3355,0	2,6	2855,5	1,8
4. Аралаш	54831,2	42,1	8129,7	5,0
Жами	130428,4	100,0	162206,9	100,0

Давлат ва аралаш укладда ўзлаштирилган инвестицияга нисбатан иш ўрни камроқ яратилади, чунки бу ерда янги иш ўрни қиммат туради, аммо юксак унумдорликни таъминлашга қодир бўлади. Таҳлиллар кўрсатишича, янги иш ўринларининг аксарият қисми хусусий уклад доирасидаги кичик бизнес, деҳқон ва фермер

¹ Жадвал асосланган манба: Ввод в действие объектов, основных фондов и инвестиций по Республике Узбекистан. Т., 2000, 9-б.

хўжаликлари ҳисобидан яратилган, чунки бу ерда иш ўрни серкапитал эмас, аммо бозор билан таъминланган.

Деҳқон хўжалигидаги моддий сарф маҳсулот қийматининг 8-10%ини ташкил этади. Бу кўрсаткич кичик фирмаларда ҳам 10-15% атрофида юради. Шундай шароитда кичик кредит воситасида ҳосил бўлган иш жойи сердорамад бўлмаса-да, лекин арzon бўлганидан кўпчиликни иш билан таъминлайди ва бу унинг ижтимоий аҳамиятини изоҳлайди.

Турли корхоналарининг технологик ҳолатига биноан у ердаги иш ўрнининг даромадлилигини укладлараро фарқланиши диссертацияда кўриб чиқилемди, укладлардаги унумдорлик технологиядан ташқари корхоналарни узилишларсиз, муқим ишлашига ҳам боғлиқ эканини қайд этилди. Технологик устун бўла туриб янги бозор топиб улгурмаган, ёки маҳсулотта талаб бўлса-да, ресурс топа билмаслиги натижасида ишлаб чиқаришда узилишлар бўлиб турадиган акционер корхоналарда унумдорликнинг техника даражасига нисбатан паст бўлиши кузатилади.

Кўп укладли структура даромадларнинг янгича турланишини юзага келтиради, бу иқтисодий субъектлар мулкий мақомининг ўзгаришидан келиб чиқади. Илгари мулқдан ажралганлар мулкнинг янги соҳибларига айланадилар, лекин мулкий, бинобарин ижтимоий фарқланиш мавжуд бўлади. Фарқланиш жараёнига хос белги биринчидан, тадбиркорлар, фермерлар ва ижарачилардан иборат янги ижтимоий гуруҳ-мулқдорлар синфининг ҳосил бўлиши; иккинчидан эса мавжуд ишчи, хизматчи ва колхозчи (ширкатга аъзо)лар ижтимоий мақомининг ўзгаришидир. Демак, Ўзбекистонда аҳолини қайта ижтимоий гуруҳланиши юз бермокда ва бу ижтимоий трансформация маҳсули сифатида даромадларнинг ўзгаришида ўз ифодасини топади.

Кўп укладли тизимдаги даромадларни шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин. Бу бозор ва нобозор даромадлардирки, уларнинг иқтисодий табиати бир хил эмас.

Бозор даромади - бозор қонунларига биноан ишлаб топилган даромад, унинг миқдори иқтисодий ресурсларнинг нақадар самарали ишлатилишига, аниқроғи яхши иқтисодий натижага эришишга боғлиқ. Бозор даромади таркибан тадбиркорлик даромади, мулқдан келган даромад ва бозор талабига қараб ишловчи корхона ва ташкилотлардан тегадиган иш ҳақидан иборатдир.

Нобозор даромадлар - бозор қоидаларига биноан ташкил топмаган, яъни капитал ва мулкка алоқаси бўлмай муҳтоҷлик ва давлат тақсимоти сабабли юзага келган даромад. Бу даромад ресурсларни самарали ишлатилиши билан боғлиқ эмас, аксинча

мавжуд ресурслар яратган даромадни қайта тақсимлаб унинг бир қисмини бошқаларга бериш натижасида юзага келган даромаддир (2-чизма).

2-чизма



Хозирги даврнинг муҳим белгиси - тадбиркорлық даромадининг ахоли даромадидаги ҳиссасини узлуксиз ошиб бориши. Бу ҳисса 1994 йил 3,4% бўлса, 1996 йилда 18,4%, 1999 й. - 24,4%ни ташкил этди. Бу ўртacha кўрсатгич, аммо тадбиркорлық билан маҳсус шуғулланганларнинг жами даромадида, бу даромад барча тушумнинг 2/3 қисмини ташкил этади.

Тадбиркорлық даромади ҳақида гап кетганда, унинг доирасини белгилашдан иборат мунозарали масала келиб чиқади. Томорқа ва деҳқон хўжалигининг тадбиркорликка алоқаси ҳам баҳслидир.

Томорқа ва деҳқон хўжалиги даромади таркибан бир хил эмас. Унинг бир қисми меҳнат даромади (иш ҳақи) бўлса, бошқа қисми тадбиркорлық даромади (фойда)дан иборат. Бу ерда хўжалик юритувчи бир вақтнинг ўзида ҳам мулк соҳиби, ҳам меҳнат қилувчи бўлади. Соҳиб фермер сингари бозорга ишлайди, оз бўлса-да, ўз капиталини қўяди, риск (хавф-хатарга) боради, ташаббус кўрсатади. Демак, бу ерда ҳам тадбиркорлық даромади бўлади, лекин у меҳнат даромади билан бирлашиб кетади.

Даромадлар манбай ва уларни топиш усууллари хилма-хил бўлган шароитда оиланинг жами даромадида иш ҳақи ҳиссасининг пасайиши аҳолининг барча тоифасига хос бўлди. Иш ҳақи ҳиссасининг пасайиши зиддиятлидир. **Биринчидан**, бу меҳнат даромадининг рағбатлантирувчи кучини кесади, **иккинчидан** эса, иш ҳақининг оила

учун аҳамияти пасайиши унинг ўрнини бошқа даромадлар билан тўлдиришга ундаиди.

Иш ҳақи миқдори унумдорлик билан боғланган, бундай қонуният ҳамма укладларга хос. Буни кичик бизнесдаги укладларга оид кўрсатгичлар таҳлили асосида кўриб чиқилди.

Кўп укладли структура шароитида даромадларни иш ҳақи билан чеклаб бўлмайди, чунки унинг янги турлари – фойда, девидент, мулк ва индивидуал фаолият даромадлари кўпайиб боради.

Ишлаб топилган даромад кўпайгани ҳолда, трансферт тўловлари камайиб бориши қўзатилади. Бу нодавлат укладлари доирасида тақсимотининг бозор тамойиллари кучайишини билдиради. Аммо бозорга хос даромадларни олиш имкони турли аҳоли тоифалари учун бирдек эмас, чунки уларни бозор муносабатлари дамига тортилиши турличи кечади.

Даромад манбалари кенгайиб борган шароитда унинг турлари оила бюджетини шакллантиришда турлича аҳамият касб этади. Шунга қараб аҳоли турмуши таҳлил этилганда жаъми даромадларни унинг туридан қатъи назар эътиборга тутиш керак. Кўп укладли шароитда турли тоифа аҳолининг даромадлари фарқланишга мойил бўлади, бундай ҳодиса диссертацияда тегишли ҳисоб-китоблар билан тасдиқданган.

Даромадлар таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодий турли-туманлик даромадларни янгидан типластиради, уларнинг янги шаклларини пайдо қиласди, эскиларига эса янгича иқтисодий мазмун беради. Аммо бундан ҳар бир укладга муайян даромад шакли хос деган хуласа чиқмайди. Барча укладларда ҳар хил даромад мавжуд, лекин улар турли комбинацияда бўлади, холос.

Кўп укладли тизимдаги такрор ишлаб чиқариш бу хилмажиликни қайта ва қайта яратилишини, мазкур жараён узлуксиз бўлишини билдиради. Укладларга хос турли сифат белгилари қайтадан яратилиши билан биргаликда тизимнинг умумий қиёфаси ҳам янгиланиб туради.

Ҳар бир уклад кичик тузилма сифатида мустақил ҳолда такроран юзага келади, аммо бунинг учун мунтазам бозор алоқалари талаб қилинади.

Мазкур алоқалар яхлит кўп укладли такрор ишлаб чиқаринини юзага келтирадики, бу мазмунан макроиқтисодий циркуляция ёки оборотни ташкил этади.

Таҳлиллар кўрсатишича, ресурс билан таъминланиш даражаси такрор ишлаб чиқариш учун муҳим, лекин бу ресурси катта корхоналар мутлоқ афзалликка эга, деган хуласани бермайди, чунки масаланинг бошқа муҳим жиҳати ҳам борки, бу бозорнинг мавжудлиги

ва у билан боғланиш тавсифидир. Ҳар икки жиҳатдаги афзаллик фақат қўшма корхоналарда бор, шу сабабдан бу ердаги такрор ишлаб чиқариш барқарор юз беради. Давлат корхоналарида моддий афзаллик бўлгани ҳолда уларга мунтазам бозор етишмайди.

Жамоа ва хусусий укладнинг кўпчилик корхоналари бозор муаммосидан ҳоли бўлсаларда, нархлар қайчиси уларни самарали ишлаб меъёрида фаолият юргизишга тўсқинлик қиласди, чунки такрор ишлаб чиқиришнинг асосий талаби бўлган харажатларнинг копланиши юз бермайди.

Укладлардаги такрор ишлаб чиқаришга макроиктисодий индикаторлар боғлиқ бўлади. Шу важдан укладларнинг миллий такрор ишлаб чиқаришдаги ўрнини турли укладлар устувор бўлган соҳалардаги иқтисодий динамикага қараб аниқлаш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистонда турли соҳалардаги иқтисодий ўсиш кўрсатгичлари (ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)¹

Кўрсатгичлар	Укладнинг устувор лиги	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001
		1992-1991 бўлгани	1993-1992 бўлгани	1994-1993 бўлгани	1995-1994 бўлгани	1996-1995 бўлгани	1997-1996 бўлгани	1998-1997 бўлгани	1999-1998 бўлгани	2000-1999 бўлгани	2001-2000 бўлгани
Саноат маҳсулоти	давлат ва аралаш	93,3	103,6	101,6	100,1	102,6	104,1	103,6	106,1	117,5	
Кўпшлек хўжалиги маҳсулоти	жамоа ва хусусий	94,0	101,0	93,0	102,0	94,0	106,0	104,6	106,0	99,0	
Транспортда йўловчилар ташини	давлат ва хусусий	85,0	111,0	101,0	93,0	99,6	104,0	100,0	100,3	92,0	
Транспортда юк та- шини	давлат	79,0	98,0	93,0	99,0	95,0	100,1	99,9	100,6	69,0	
Чакана савдо оборудоти	хусусий	59,0	127,5	90,4	95,7	122,2	112,6	114,6	110,5	113,0	
Пульни хизмат кўр- сатиш	хусусий	57,0	69,4	76,6	73,0	109,8	121,4	110,3	112,6	30,4	

Таҳлиллар шуни кўрсатдиги, давлат ва аралаш уклад корхоналарида меҳнат унумдорлиги сустлик билан бўлса-да, ўсиб борди. Кичик ва ўрта бизнесдаги хусусий укладда ҳам меҳнат унумдорлигини суст бўлса-да, ўшиши кузатилади, аммо қишлоқдаги, жамоа уклади ва хусусий укладда унумдорлик пасайишга мойил.

¹ Жадвал асосланган маъба: Ж. АҚУ press №9-10, 2000, 38, 39, 40-б.


Миллий тақрор ишлаб чиқаришда турли секторларнинг ҳиссасини ресурслар миқдоридан ташқари улардан оқилона фойдаланиш ҳам белгилайди. Шуни инобатта олиб ишда меҳнат унумдорлигини секторлараро фарқланishi кўриб чиқилди.

Хозир меҳнат унумдорлиги секторлараро фарқланган ҳолда бу кўрсатгич бўйича нодавлат секторини давлат секторига яқинлашиб бориши юз беради.

Укладлардаги тақрор ишлаб чиқариш самарадорлиги таҳлил этилганда буни эркин бозор шароитида ишловчи корхоналар доирасида кўриб чиқиш тўғри бўлади, чунки уларнинг фаолият юритиш муҳити бир хил. Шу ўринда турли укладларга оид кичик бизнес корхоналаридағи унумдорлик таққосий таҳлил этилди (З-чизма).

З-чизма

Ўзбекистон иқтисодиётининг давлат ва хусусий секторларида бир ишловчига ҳисобланган қўшилган қиймат



Диаграммани таҳлил этсак, хусусий уклад корхоналари давлат корхоналарига кўра анча самарали ишлабтганлигини кўришимиз мумкин. Аммо бунга қарамай кўп укладли тузилимада хусусий уклад етакчи мавқега эришганича йўқ. Халқаро ташкилотлар маълумотига кўра ҳозир Ўзбекистонда хусусий укладнинг иқтисоддаги ҳиссаси 45%-ни ташкил этади. Ислоҳотларнинг чукурлашуви хусусий укладни мустаҳкамлаш орқали унинг иқтисодий оборотдаги салмогини ошириш талаб қилинади.

Кўп укладли тизимда давлат механизми бозорнинг иқтисодий механизми билан биргаликда амал қиласди. Кўшолоқ механизм шароитига тақрор ишлаб чиқариш, **биринчидан**, қўшимча ресурслар ҳисобидан,

иккинчидан, меҳнат унумдорлиги ҳисобидан юз беради. Бундай ҳолат ишда тегишли ҳисоб-китоблар билан асосланди.

Кўп укладли тузилма ўзини ўзи яратади, чунки ҳар қандай тизим ўзидан ўзга нарсани юзага келтирмайди. Аммо бунинг учун мулк шаклидан қатъи назар барча иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги алоқалар бозор қоидалари асосида юз бериши талаб қилинади.

Иқтисодий эркинлик нақадар кенг бўлса, кўп укладлилик камкўстсиз яратилаверади. Агар эркинлик чекланган бўлса ва айрим уклад имтиёзга эга бўлса, кўп укладлиликдаги ички мувозанат бузилиб деформациялар келиб чиқади, бу билан айрим укладнинг монопол мавқеи ҳосил бўлади, натижада якка укладли монотизим ҳосил бўлиб, рақобат доираси тораяди, иқтисодиётда турғунлик пайдо бўлади.

Шуни назарда тутиб Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги бош йўналиш сифатида иқтисодиётни эркинлаштириш белгиланган. Эркинлаштиришнинг устувор вазифага айланиши, уни яратиш эмас, балки кенгайтириши, чуқурлаштириш ва ниҳоят ҳар тарафлама кафолатлашдир.

Эркинлик энг аввал хусусий мулкчилик нақадар ривожланганлигини билдиради, лекин бу бир ўлчамли воқеа эмас, уни баҳолаганда давлат харажатлари, тадбиркорлик эркинлиги, монополияларнинг чекланганлиги, эркин бозор нархларининг амал қилиши, рақобат муҳитининг мавжудлиги ва бошқа кўрсаткичлар ҳам ҳисобга олинниши зарур.

Иқтисодий эркинликнинг бош талаби бу эркин бозор нархларининг амал қилишидир. Ўзбекистон миллий бозорида эса ҳам монополия ҳам монопсония сақланган. Бир қатор бозор сегментларида давлат укладига мансуб корхоналар бозорга ўз нархларини тикиштиради. Айни вактда баъзи бозорларда давлат монопсонияси мавжуд бўлиб, давлат ягона харидор сифатида майдонга чиқади ва бозорда давлатнинг ўзи белгилаган нарх ўрнатилади. Эркин бозор нархлари амал қилган жойда ҳеч бир уклад вакили устунликка эга бўлмайди. Монопол нарх бор жойда эса давлат укладининг афзаллиги ҳосил бўлади ва бу бошқа уклад ҳисобидан юз беради.

Қатъий нархлар хусусий ва жамоа уклади корхоналари учун тартиблаштирувчи вазифасини ўтамайди, хўжаликлар фаолияти бозор талабларига мослаша олмайди, улар баланслашмаган инфляцияга дуч келади, инфляцион фойда кўрмайди.

Мазкур нархлар фермер ва ширкат хўжаликлари учун такрор ишлаб чиқариши базасини торайтиради, чунки хўжалик субъектлари зарар кўради ёки фойдани ғоят кам олади.

Бозор мулк шаклига бефарқ бўлса-да, ўзининг қонун-қоидаларига ҳамма субъектлар бўйсуншишини талаб қиласади. Нарх эркинлиги етишмаган

шароитда турли укладларга мансуб корхоналарнинг сунъий табакаланиши юзага келади, натижада нодавлат укладлари сикб чиқарилиши мумкин. Сиқиштириши тенденцияси Ўзбекистондаги инвестиция жараёнларида ҳозирданоқ кузатилмоқда.

Кўп укладли тизим қайтадан ҳосил бўлиши учун корхоналар муликчилик шаклидан қатъи назар етарли инвестиция ресурсларига эга бўлиши керак, лекин турли укладларга мансуб корхоналарда инвестицион жараён ғоят нотекис кечади. Давлатнинг фаол инвесторлиги давлат укладининг инвестициялар борасидаги устиворлигини таъминлайди, аммо бу бошқа укладлар ривожи учун ҳам шарт-шароит ҳозирлайди, чунки миллый тақрор ишлаб чиқаришга хизмат қиласди.

Шу боис Ўзбекистонда инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш кўрасатгичлари дунёдаги энг юқори кўрасаткичлардан бири. 1998 йил бюджетнинг капитал инвестициялардаги ҳиссаси қўйидагича бўлди (**ЯИМ** нисбатан %): Бразилияда - 0,8; Австралияда - 3,1; Польшада - 1,8; АҚШда - 0,7; Туркияда - 2,2; Францияда - 2,0; Швеция - 1,2, ниҳоят Ўзбекистонда - 8,0%¹. Бизнинг ҳисобкитобимизга кўра Ўзбекистонда давлатнинг жами инвестициялардаги ҳиссаси, давлат секторининг иқтисодиётдаги ҳиссасидан анча устун туради. Буни транзит иқтисод ҳолати изоҳлайди. Ҳозир хусусий капитални жамғарилиши, **биринчидан**, давлат муликини унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали бўлса, **иккинчидан**, капитални инвестициялар ҳисобидан ўсиши орқали юз беради.

Хусусий капитал ўрта ва кичик капитал шаклига кириб, унинг дастлабки жамғарилиши тугалланмаганидан йирик капитал ҳосил қилиб улгурмайди, ҳал этиладиган вазифалар эса катта инвестицияларни талаб қиласди. Устига-устак хусусий капитал муомала соҳасида дастлаб пайдо бўлиб, бу соҳани тезда тарк этмайди, чунки бу ерда капитал обороти тез борганидан кичик капитал қўйиб катта фойда олиш мумкин.

Миллый манфаат серкапитал ишлаб чиқаришни талаб қиласа, хусусий капитал бу соҳага ошиқмайди.

Шу сабабли миллый иқтисодиётдаги инвестиция юкини давлат ўз зиммасига олади, буни 4-жадвалдаги рақамлардан кўриш мумкин.

Давлат бор экан иқтисодни тартиблаш инвестиция воситасида ҳам амалга ошириши талаб қилинади, аммо давлатнинг инвестиция маблағларини лимитлар воситасида эмас, балки кредит сифатида тақсимланиши бозор механизмига мос келадики, бунда нодавлат сектори ҳам айтилган кредитлардан баҳраманд бўлиши мумкин.

¹ World development report 2000/2001. s. 300.

**Турли укладларда ишлаб чиқаришга киритилган
капитал инвестициялар кўрсаткичлари¹**

Укладлар	1997		1998		1999	
	млр сўм	%	млр сўм	%	млр сўм	%
1. Давлат	112.2	65.6	139.3	66.7	196.2	69.5
2. Хусусий	4.6	2.7	2.8	1.3	7.2	2.5
3. Жамоа	12.7	7.4	29.6	14.0	3.6	1.3
4. Аралаш	41.8	24.3	37.7	18.0	75.3	26.7
Жами	171.3	100.0	209.4	100.0	282.3	100.0

Хозир инвестицияларни ҳосил этишда давлат механизмининг устивор бўлиши иқтисодиёт учун зарур бўлса-да, бу қуии субъектларининг инвестицион имкониятларини солиқ орқали чеклаш ҳисобидан бўлади.

Ўзбекистонда марказлашмаган инвестициянинг заифлашуви кузатилади, бу ўзини ўзи молиялаштиришдан иборат бозор тамойилини чеклантиргани билдиради, ваҳоланки бу эркин иқтисодий тизимнинг муҳим белгисидир.

Ўз-ўзини молиялаштириш манбаларининг торайиши ҳисобидан давлат инвестицияларининг ортиб бориши кўп укладли структура ривожига салбий татьсир этади. Давлат корхоналари ўзлари солиқ туфайли йўқоттан инвестицион ресурсларни марказлаштан инвестициялар орқали ортиғи билан қайтариб оладилар. Хусусий ва жамоа уклади корхоналари даромадининг бир қисмини давлат инвестицияларига айланиси ва уларга қайтиб келмаслиги бу ерда такрор ишлаб чиқаришни чегаралайди, айниқса бу қишлоқдаги жамоа укладида яққол сезилади.

Инвестицияларни мулкчилик шакли жиҳатидан таҳлили шундай хуносага олиб келдиски, инвестиция жараёнидан хусусий ва жамоа укладдини суриб чиқарилиши юз бермоқда. Бу эса кўп укладли тизимни ўз-ўзидан яратилиб туришига тўсқинлик қиласди. Инвестиция жараёниларининг либераллашуви бунда турли уклад корхоналари фаол бўлишини ва ўзини ўзи молиялаштириш қоидаси устувор бўлишини билдиради. Бунинг учун корхоналарга тегадиган даромадни кўпайтириши ва шунинг эвазига улар иختиёридаги инвестиция ресурсларини ошириш зарур, бу билан инвестиция учун жавобгарлик иқтисодиёт қуии субъектлари зиммасига юклатилади.

Бинобарин ислоҳотларнинг чуқурлашуви жараёнида иқтисодиётда шундай эркин муҳит ҳосил бўлиши керакси, бу инвестицияни тақсимлашни бозор қоидаларига буйсундирраб турли укладлардаги такрор ишлаб чиқариш мунтазам боришини таъминлаши керак бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодстат вазирлиги маълумотларига асосан тузилди.

Асосий хулосалар ва тавсиялар

Кўп укладли иқтисодий тузилма муаммоларини тадқиқ этиш қўйидагича хулосалар чиқариши имконини берди.

- Кўп укладли иқтисодиётни қарор топиши ва ривожланиши ҳозирги ўтиш даврининг мухим белгиси, иқтисодий полиформизмдан иборат хилма-хилликнинг бир кўриниши бўлиб, бунда умумийлик ва миллийлик мавжуд. Моноструктурадан полиструктура томон ривожланиш умумий бўлсада, бунда социализмдан сўнти макондаги иқтисодий трансформация алоҳида ўрин тутади.

- Социализмдан ҳоли бўлган макондаги кўп укладлилик ўзининг уч жиҳати билан ажралиб туради. Биринчидан, бу ўтмишдан мерос қолган бозор муносабатлари базасига таянди; иккинчидан, бу индивидуал хусусий мулкни табиий ривожланиб бориши натижасида эмас, балки давлат мулки ва давлатлашган хўжаликни нодавлат тузилмаларига айлантириш орқали юз беради; учинчидан, бу жараён ўз-ўзидан ва тартибсиз кечмайди, балки давлатнинг бошқошлигида ва муттасил амалга ошириладиган ислоҳотлар натижасида юзага келади.

- Ўзбекистондаги кўп укладлилик ҳам социализмдан сўнти маконда пайдо бўлган, иқтисодий хилма-хиллик бўлиб, у таморқа ва норасмий иқтисодиётдан иборат бозор меросини инобатга олди ва миллий анъаналарга таянди, бу ерда ҳам уни шакллантиришининг асосий воситаси мулкни хусусийлаштиришdir. Аммо у бундан ташқари давлатнинг антимонопол чора-тадбирлари ва тадбиркорликни кўллаб-куvvatлашни ҳам билдиради.

- Хусусийлаштириш төр маънода мулкчилик шаклини ўзгариши бўлса, кенг маънода иқтисодиётни либераллаштиришdir. Ўзбекистондаги хусусийлаштириш кенг қамровли бўлиб нафакат мулк шаклини ўзгаришини, балки янги мулкчиликни иқтисодий реализацияси учун шарт-шароит ҳозирлашини ҳам билдиради. “Ўзбек модели” асосида хусусийлаштириш пуллик, босқичма-босқич, давлат назорати остида юз беради, нодавлат сектори учун молиявий ресурс ҳосил этишини кўзда тутади.

- Хусусийлаштириш Ўзбекистонда ҳам перманент характерга эга, бу ерда хусусий мулкчилик нафакат давлат мулки, балки жамоа мулки ҳисобидан ҳам юз беради. Бу жараён таморқани ривожлантириш, уни дехқон хўжалигига айлантириш, фермер хўжаликларини ташкил этишини ҳам ўз ичига олади. Шу боис агарар сектордаги кўп укладлилик мавжуд хўжалик турларини трансформациялашув шаклига эга бўлди. Ширкат хўжалиги ва пайчалик мулкисининг амал қўлиши уни Ўзбекистондаги кўп укладли тизимга хос феномен деб айтишга асос бўлади.

- Ўзбекистондаги кўп укладли тузилма давлат, хусусий, жамоа ва аралаш укладларнинг узвий яхлитлигидан ташкил топган, улар макроиқтисодий циркуляцияда ўзоро мунтазам бозор алоқаларига кириштан

холда миллий иқтисодиётни ташкил этадилар. Бу тузилманинг бош бўғини хусусий уклад ҳисобланади, аммо у ҳозирчалик етакчи мавқега эга эмас.

- Давлат укладди, давлатнинг мулк соҳиби бўлиши, унинг корхоналарини эса тадбиркорлик қилишини билдиради. Давлат укладди давлат сектори таркибига киради, лекин унга тенг нарса эмас. Давлат сектори кенг соҳа бўлиб, давлат укладидан ташқари, унинг истеъмол фаолиятини ҳам қамраб олади. “Ўзбек модели” дастлаб давлат уклади кучли бўлишини, сўнгра бошқа укладлар ривож топишини кўзда тутади.

- Хусусий уклад бош уклад сифатида ўзининг кўпчилиқдан иборат бўлиши ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Унга индивидуал хусусий мулкнинг устиворлиги, эркин бозор билан боғланиш, атомистик структура, бошвоқсизлик, рискни кучли бўлиши, бозор механизми воситасида тартибланиши ва жиддий табақаланиши хосdir.

- Жамоа укладди таркибан икки блокли укладдир. Биринчиси, илтариги колхоз ва совхозларни трансформациялашуви туфайли юзага келган ширкатлар бўлса, иккинчиси, янгидан пайдо бўлган кооперативлардир. Бу укладнинг асосий белтилари умумий жамоа мулки ва пай мулкнинг синтезланиши, натурал ва товар ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги, искара муносабатларининг ривожланганлиги ҳам монопол давлат бозорига, ҳам эркин бозор учун ишлаш кабиладир.

- Аралаш укладнинг муҳим белтиси унда турли шаклдаги миллий мулкни, миллий мулк билан хориж мулкни бирлашувидир. Хориж капитали иштироки унга афзаллик беради, бу билан миллий иқтисодиётта тушадиган инвестиция юки енгиллашади, риск удиверсификациялашади. Аммо аралаш уклад билан бир қаторда ажнабий укладни ривожлантириш зарурати ҳам пайдо бўлади, чунки бу миллий инвестиция ресурслари етишмаган шароитда иқтисодий ўсишнинг муҳим омилига айланади, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини кучайтиради.

- Ижтимоий йўналиш кўп укладли иқтисодиётнинг ички хусусияти ва объектив тарзда бўлади, аммо уни амалга ошиши укладларнинг реал салоҳиётiga боғлиқ бўлади. Мазкур йўналиши хомили даромадлар бўлиб, уларнинг шакли, мањбалари, топиш усуллари ва ўлчамлари хилма-хиллик хосdir. Даромадлар таркибida зиддийлик бор, бу бозор тамойилларига мос келмайдиган натурал даромадларнинг бўлиши, бозор ва нобозор даромадларининг мавжудлиги, бозор талабларига зид ҳолда меҳнат даромадининг рағбатлантирувчи функциясининг пасайиб кетишида ифода этилади. Бу зиддиятларни ечилиши кўп укладли тузилма ривожининг ижтимоий щарти ҳисобланади.

- Кўп укладлилик тизим сифатида такроран яратилиши шарт, акс ҳолда полиструктура ўрнига моноструктура келиши мумкин. Ҳар бир уклад ўзини-ўзи яратилиши табиий жараён, аммо унинг бир меёрда бориши давлат иштирокида юз беради. Унинг асосий щарти либерал иқтисодий тизимни қарор

топтилдирики, бу тизимни факат давлат интервенционализмінде қараба өткізу мүмкін. Бунинг учун мулк әрқиңділігі, фаолияттың танлаш имкони, хусусий укладнинг саломғы, нарх әрқиңділігі, солиқ юки даражасы, экспорт әрқиңділігі, рақобатнинг ривожланғанлығы, монопол фаолияттың чекланиши, ўз-ўзини молиялаш имкони кабиларни комплекс тарзда инобатта олиш зарур болады.

- Ўзбекистонда күп укладалик ривожланиб барқарор полиструктура хосил этини учун сақланиб қолтап монопол нархлардан әрқин базор нархларига ўтиш, корхоналарга тушадиган солиқ юкини камайтириш орқали ўз-ўзини молиялаштириш имконини кенгайтириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятни рағбатлантириш йўли билан инвестиция маъсуллигини давлатдан улар зиммасига юклаш, инвестиция жараёнида кредитнинг ролини кучайтириш, давлат инвестицияларини имтиёзли кредит шаклида тақсимлаш ва энг муҳими хусусий укладнинг мавқеини, айниқса индустрисал соҳаларда жиҳдий тарзда ошириш зарур болади.

Диссертациянинг асосий ғояси қўйидаги илмий ишларда баён этилган

1. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик IV-боб (хаммуалиф). - Т.: "Меҳнат", 1995 й., 52-73 б.
2. Иқтисодий тузумни қайта қуриш. Бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос йўли. "Мустақил Ўзбекистон тарихининг" дастлабки саҳифалари" номли китобда (хаммуалиф). - Т.: "Шарқ", 2000 й., 39-68-б.
3. Күп укладли иқтисод ва даромадлар - // "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", №2, 2000 й. 42-45 б.;
4. Хонадон ва иқтисод - // "Фан ва турмуш", №1., 2000 й.; 4-5 б.
5. Дехқон хўжалиги ютуқ, муаммо ва ечимлар - // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги", №1., 2000 й. 19-20 б.;
6. Хозирги қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий укладлар - // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги", №2., 2000 й. 13-15 б.;
7. Тенденции развития многоукладности экономики - // "Сельское хозяйство Узбекистана", №1., 2000 й. 18-19 б.;
8. Ўзбекистонда күп укладли иқтисодиёт шаклланиши - // "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", №3., 2000 й.14-15 б.;
9. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги күп укладли иқтисод ва даромадлар - // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги", №3., 2000 й. 11-14 б.;
10. Ўзбекистонда күп укладли иқтисодни такроран юзага келиши - // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги", №4., 2000 й. (ҳаммуаллифликда) 7-8 б.;
11. XXI аср корхонаси - бу халқ корхонаси дидер - // "Бозор, пул, кредит", №3., 2000 й. 5-8 б.;
12. Иқтисодиётда давлат секторининг функциялари - // "Бозор, пул, кредит", №6, 2000 й. 3-7 б.;

13. Многоукладная экономика и доходы - //“Экономический вестник Узбекистана”, №6., 2000 й. (в соавторстве) 6-8 б;
14. Деъқон хўжалигининг иқтисодий аҳамияти - //“Фан ва турмуш”, №5, 2000 й. 6-7 б.;
15. Сущность, структура и тенденции развития многоукладности - Международный журнал “Машиностроение и автоматизация” (Россия) №3, Москва-2000 г., стр. 47-50;
16. Роль государственного сектора в экономике - Международный журнал “Машиностроение и автоматизация” (Россия) №4, Москва-2000 г., стр. 11-16;
17. Предприятия будущего - Международный журнал “Машиностроение и автоматизация” (Россия) №1, Москва-2001 г., стр. 25-28;
18. Иқтисодий хилма-хиллик йўлида - //“Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси”, №11, 2000 й. 28-29 б.;
19. По пути экономического многообразия - //“Сельское хозяйство Узбекистана”, №12, 2000 й. 51-52 б.;
20. Жамоа уклади ва унинг трансформациялашуви - //“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” №1, 2001 й., 14-17 б.;
21. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида хусусий хўжалик уклад - //“Бозор, пул, кредит” №2, 2001 й. 65-69 б.;
22. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида аралаш уклад ва унинг хусусиятлари - //“Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси”, №2, 2001 й. 26-27 б.;
23. Кўп укладлик иқтисодиёт шароитида аҳолининг бандлиги - //“Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси”, №3, 2001 й. 24-25 б.;
24. Инсон омилини инвестициялаш манбалари. “Ўзбекистон Республикаси Банк-молия тизимини такомиллаштириш ва унинг жаҳон молия бозорига интеграциясининг долзарб масалалари”. Халқаро илмий-амалий конференция. Банк-молия академияси, Тошкент, 1999 йил 19 май. Тезис, 86-87 б.;
25. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида нобанк кредитнинг аҳамияти. “Ўзбекистон банк тизимини эркинлаштиришнинг долзарб масалалари ва жаҳон тажрибаси”. Халқаро илмий-амалий конференция. Банк-молия академияси, Тошкент, 2000 йил 25 май. Тезис, 14-15 б.;
26. Хўжалик риски ва суғурга. “Бозор муносабатлари шароитида суғурга тизимини такомиллаштириш муаммолари”. Республика илмий-амалий конференция ТМИ, Тошкент 2000 йил 27 май. Тезис, 41-42 б.;
27. Многоукладная экономика и финансовые отношения. “Приоритетные направления развития финансов и либерализации финансовой системы в условиях рыночных отношений”. Международная научно-практическая конференция. Москва, 4-6 декабря 2000 г. Тезис-доклад, стр. 9-10 (в соавторстве).

**Краткое содержание диссертации А.В.Вахобова на тему
«Многоукладная экономика на этапе перехода к рыночным
отношениям и ее воспроизведение», представленной на соискание
ученой степени доктора экономических наук по специальности –
08.00.01. – «Экономическая теория».**

Главным направлением современного этапа рыночных реформ в Узбекистане является формирование многоукладной экономики при ведущей роли частной собственности. Это требует глубокого научного исследования проблем многоукладной структуры с учетом национальных особенностей ее становления и развития. Целью данной работы является раскрытие сущности многоукладной структуры, как формы экономического полиформизма, обоснование особенностей социальных аспектов и тенденций ее развития в Узбекистане, а также разработка рекомендаций по дальнейшему ее совершенствованию. В соответствии с этой целью в диссертации решены следующие задачи: дана системная характеристика многоукладности и закономерностей ее становления, определены критерии классификации укладов, место каждого уклада в экономике, исследованы механизмы обеспечения социальной ориентации многоукладной системы, выявлены факторы, влияющие на воспроизведение многоукладности, раскрыто значение либерализации для дальнейшего развития этой системы в Узбекистане.

Новизна диссертации состоит в разработке авторской концепции многоукладности, применительно к условиям переходной экономики в Узбекистане. Она сводится к следующим положениям:

- многоукладность, как выражение полиформистической системы, представляет собой продукт развития от экономического единства к экономическому многообразию, основанному на рыночных принципах хозяйствования, она статична и не имеет единую для всех стран модель;
- уклады следует рассматривать как тип хозяйства в данной экономической системе, основными критериями их классификации выступают формы собственности, способ хозяйствования, характер доходов, уклады образуют систему только во взаимодействии;
- в рамках «Узбекской модели» главной особенностью формирования многоукладности является постепенная, поэтапная трансформация существующих типов хозяйств в новые уклады, а также в сочетании национальных экономических традиций с рыночными принципами хозяйствования;
- многоукладная экономика структурно представляет собой единство и взаимодействие государственного, частного, кооперативного

и смешанного укладов, и каждый уклад отличается внутренним многообразием, состоит из пред приятий, имеющих единую форму собственности, но различные формы хозяйствования и доходы;

- рыночный характер многоукладной экономики предопределяет имманентность и объективность ее социальной направленности, но реализация ее зависит от эффективности работы предприятий, предоставляющих отдельные уклады;

- в многоукладной системе носителем социальных ориентиров выступают доходы, которые преимущественно имеют рыночный характер, отличаются многообразием источников и форм, а также различием размеров;

- многоукладная система должна воспроизводится перманентно (в противном случае она трансформируется в моносистему), но воспроизводственные процессы в рамках укладов зависят от емкости рынка, ресурсообеспеченности и интенсивности действия рыночных механизмов;

- факторами, препятствующими развитию многоукладности выступают слаборазвитость частной собственности, которая еще не стала ведущей, наличие монопольного рынка и ограниченность масштабов свободного ценообразования;

- для формирования устойчивой полиформистской системы на базе постоянного воспроизведения многоукладности, требуется значительное развитие масштабов частной собственности, развитие свободного рынка при сокращении монопольного, увеличение инвестиционного потенциала предприятий путем снижения налогового бремени, переложение тяжести налога на имущество с объектов производственного назначения на непроизводственные объекты, укрепление позиций иностранного уклада путем стимулирования его инвестиционной активности.

Значимость исследования состоит в возможностях использования основных теоретических положений диссертации в исследовании проблем рыночной трансформации экономики, для развития концепции «Узбекской модели», а также в полезности ее рекомендаций для дальнейшего углубления рыночных реформ в стране.



**Brief contents of A. V. Vakhabov's dissertation on the problem of
“Multistructural Economy at the state of the transition to market
relations and its reproduction”. Submitted for obtaining the
degree of doctor of Economic studies on the specialty of
08.00.01- “Economic Theory”**

The major direction for the Uzbekistan's market reforms at the current stage is liberalization of the Economy which presupposes the formation of the multistructural economy under the private ownership playing the leading role. It requires a deep scientific research into the problems of multistructural framework taking into account the national features of its formation and development. The work presented is aimed at revealing the essence of the multistructural framework as a form of Economic polyformism, ground the peculiarities of social aspects and trends of its development in Uzbekistan and also work out certain recommendations for its further improvement. In accordance with this aim the dissertation solved the following tasks: it gave a system characteristic stage of a market transformation. It also defined the essence and criteria for classification of the structure and also the place of each of the structure in the Economy. The work researched into the mechanisms of the provision of multistructural system's social orientations, certain factors affecting the reproduction of the multistructure and revealed the importance of liberalizations for the further development of this system in Uzbekistan as well.

The novelty of the dissertation is in the author's concept of multistructure which has been worked out in accordance with the conditions of the transition Economy in Uzbekistan. It's based on the following statements:

- multistructure as a form of a polyformistic system is a product of development from the economic monogamy of the economy. It is static and doesn't have single model for all of the countries;
- the structure should be regarded as a type of the Economy in the current economic system. Major criteria for its classification are the forms of ownership, the way of economic organizations, character of incomes. The structure forms the system only in interaction.
- Within the framework of the "Uzbek model" the Main peculiarity of the multistructure formation is a gradual, stage by stage transformation of the existing types of organization into the new ones and also the combination of the national economic production with the market principals of organization;

- multistructural economy of Uzbekistan in its forms a unity and interaction among the governmental, private, cooperative and mixed organizations each of which differs by its internal diversity and also consists of the enterprises with single form of ownership but different forms of incomes' organization;
- market character of the multistructural economy predetermines the immanence and objectiveness of its social orientation but for it to be implemented we need effective performance of the enterprises representing particular structure;
- in multistructural economy the bearer of social orientation are the incomes which are mostly of a market character and differ by the diversity of sources and forms and also by the size;
- multistructural system must be reproduced permanently (otherwise it will be transformed into monosystem), but the reproductive processes within the structure depend on the capacity of the market, resource provision and the intensity of the market mechanisms' performance;
- factors, halting the development of multistructure in Uzbekistan are poorly developed private ownership which is still not the leading one, the presence of a monopolistic market and the limit in scale of a free pricing ;
- to form the stable polyformistic system in Uzbekistan on the basis of a permanent reproduction of multistructure we need a significant development of the scale of the private ownership, free market development at the expense of cutting monopoly, increase the investment potential of the enterprises by means of the nonproductive objects, strengthening the positions of a foreign structure by means of the encouragement of its investment activity;

The importance of the research is in the possibilities to use basic theoretical statements of the dissertation in looking into the problems of a market transformation of Economy, for the development of the "Uzbek model" concept and also in the helpfulness the market reforms in the country.

Босишга рухсат этилди	04.06.2001
Нашр-ҳисоб вараги	2,0 б.т.
Адади	100 нусха
Буюртма	№ 26

Тошкент Молия институти босмахонадасида
“Riso” нусха кўпайтириш қурилмасида чоп
этилди.

700084, Тошкент, X.Асомов кўчаси, 7-уй